



CADP

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЙОНЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
CENTER FOR ANALYSIS OF DEMOCRATIC PROCESSES

“НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ
РИВОЖЛАНИШИ ВА БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ

МАЪРУЗА

ПАРДАЕВ АЗАМАТ КЕНЖАБОЕВИЧ

*Демократик жараёнларни таҳлил
қилиш маркази директори*



ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШ



Институционал ривожланиш – нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, бошқаруви, кадрлар салоҳияти, молиявий барқарорлиги, ҳисобдорлиги ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш жараёни ҳисобланади.

Институционал ривожланиш қуйидагилар билан ифодаланади:



Ташкилий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш



Ички бошқарув тизимини такомиллаштириш



Кадрлар салоҳиятини ошириш



Молиявий барқарорликни таъминлаш



Ҳисобдорлик ва очиқликни кучайтириш



Давлат ва жамият билан ҳамкорликни ривожлантириш

✓ **Натижа:**

ННТ ташаббускор гуруҳдан ижтимоий таъсир кўрсата оладиган барқарор институтга айланади.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Халқаро тажриба ННТлар самарадорлиги ҳуқуқий мақом, бошқарув тизими, молиявий барқарорлик, ҳисобдорлик ва давлат билан муносабатлар қай даражада шаклланганига боғлиқлигини кўрсатади.



АҚШ — мустақил бошқарув кенгаши ва молиявий манбалар диверсификацияси



Буюк Британия — жамоат манфаати, ҳуқуқий мустақиллик, очиқлик ва ҳисобдорлик

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Германия — давлат билан ижтимоий шериклик ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик



Япония — ички интизом, молиявий шаффофлик ва бошқарув стандарти

✓ **Натижа:**

Ривожланган ННТ — шаффоф, барқарор ва ишончли институт.



Мамлакатнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига фақат кучли ва адолатли фуқаролик жамияти шароитида эришиш мумкин

Шавкат Мирзиёев



Янги сиёсий тафаккур

- ✓ давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлардаги **сиёсий тафаккур** тубдан ўзгарди
- ✓ **“Инсон қадри учун”** тамойили
- ✓ “Халқ давлат идораларига эмас, **давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши** керак” тамойили
- ✓ **“Халқ билан мулоқот”** ва очиқлик сиёсати



Фуқаролик жамияти роли

- ✓ **Жамоатчилик назорати** кучайтирилди
- ✓ **“Халқпарвар давлат” модели** шаклланди
- ✓ **ФЖИлар халқ овозини давлатга етказувчи воситага** айланди



Ҳуқуқий асос ва натижалар

- ✓ 2023 йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган **янги таҳрирдаги Конституция**
- ✓ **200+** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
- ✓ **Халқаро очиқлик рейтинглари**даги ўрни сезиларли даражада яхшиланди
- ✓ Давлат дастурларида стратегик йўналишлар белгиланди



Фуқаролик жамияти институтлари мақомини мустақкамлашда **2023 йили умумхалқ референдуми** асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция муҳим аҳамият касб этди. Унда илк бор **“Фуқаролик жамияти институтлари” деб номланган махсус XIII-боб** киритилиши тарихий воқелик бўлди.

XIII боб. Фуқаролик жамияти институтлари

69-модда.

Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади.

Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади.

72-модда.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашшига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

70-модда.

Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

74-модда.


Сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши манбалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар тақдим этадилар.



ННТ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАР

- ✓ “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун
- ✓ “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари сони



Республика кесимида 796 та


ЖАМИ 9627 та

ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Жами рўйхатдан ўтган ННТлар сони



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ



- 1 641** | Спорт
- 1 125** | Сиёсий партиялар
- 900** | Ҳуқуқий институт
- 738** | Ногиронлар ҳуқуқлари
- 722** | Тадбиркорлик ва фермерлик
- 690** | Касаба уюшмалари
- 700** | Ёшлар
- 601** | Маданият, тарих
- 544** | Нуронийлар
- 327** | Таълим, илм-фан
- 367** | Фавқулодда ҳолатлар
- 37** | ОАВ
- 342** | Аёллар
- 325** | Соғлиқни сақлаш
- 213** | Миллий маданий марказлар
- 180** | Экология
- 175** | Ҳунармандчилик

2017-2025 ЙИЛЛАРДА

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА КЎРСАТИЛГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СОНИ

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining
nodavlat notijorat tashkilotlar portali



YUKSALISH

- Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларини йиллик баҳолаш амалиёти
- 2021-2025 йилларда:
- ◆ **1 400** га яқин жамоатчилик мониторинглари
- ◆ **310** дан ортиқ жамоатчилик эшитувлари
- ◆ **1 200** дан ортиқ жамоатчилик муҳокамалари



2020-2025 йилларда:

“Raqamli Avlod”



“Zamin education”

лойиҳалари доирасида

иқтидорли ёшлар, заиф эшитувчилар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари каби

100 мингдан зиёд ёшларни қамраб олган

ННТларнинг ижтимоий фаоллиги




- 2020-2025 йилларда:
- ◆ **8 500** дан зиёд болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматлар кўрсатган
- ◆ **3 000** дан ортиқ ногирон болаларнинг саломатлиги тикланган
- ◆ **26 994** нафар оила ва болаларга ахборот-маслаҳат ёрдами, педагогик-психологик ва ижтимоий-ҳуқуқий хизматлар кўрсатилган



23
млрд сўм

3 мингдан ортиқ тадбиркор аёлга **кредит** маблағларини олишда




300
млн сўмлик

60 нафар аёлга **субсидия** ажратилишида қўмақлашган



2017-2025 йилларда давлат бюджетидан фуқаролик жамияти институтлари учун



Жами лойиҳалар
сони

+5,6 минг



Жами ажратилган
маблағ

3 473,5 млрд

Давлат гранти

Ажратилган маблағ

163,2 млрд сўм

3 067 та

лойиҳа амалга
оширилган

Давлат субсидияси

Ажратилган маблағ

3 194,6 млрд сўм

40 та

нодавлат ташкилотларга
маблағ ажратилган

Давлат ижтимоий буюрмаси


Ажратилган маблағ

119,7 млрд сўм

163 та

лойиҳа амалга
оширилган

2017-2025 йилларда ҳудудлардаги ННТларини қўллаб-қувватлаш учун (млрд сўмда)



QAMM. 0104/011/1000.000
09.12.2024 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI


2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг
Давлат бюджети тўғрисида

Кончилиқ палатаси томонидан 2024 йил 3 декабрда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги Нодавлат нотижорат
ташкилотларини ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтларини
қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

1 трлн 276 млрд сўм

Фонд фаолияти таҳлили молиялаштириш ҳажмининг сезиларли даражада ошганини кўрсатмоқда



ИЖТИМОЙ БУЮРТМА, ГРАНТЛАР ВА СУБСИДИЯЛАР: ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЎРТАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ ШЕРИКЛИК



Ҳуқуқий асос



“ННТ фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун

ННТларнинг молиявий
мустақиллиги
кафолатланган



“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун

Давлат–ННТ ҳамкорлиги
ижтимоий мажбурият
даражасига кўтарилди



O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
ADMINISTRATSIYASI

ПФ-124-сон Президент Фармони

Ҳар йили ижтимоий буюртма
танловлари мажбурий этиб
белгиланди

2017 йил

12,3
млрд сўм



2025 йил

1,3
трлн сўм



8 йил давомида фуқаролик жамияти
институтларининг **2 418 та** лойиҳа ва
дастурлари **молиялаштирилган**



Амалий натижалар

(2023–2024)

13 322
нафар

фуқарога ҳуқуқий/
тиббий ёрдам

77 899
нафар

касб-ҳунарга
ўқитилган

27
та

спорт
майдончаси

7 902
нафар

фуқарога ичимлик
суви

6 414
нафар

фуқаро бандлиги
таъминланган

15
та

кутубхона

13 778
нафар

фуқаро соғлом турмушга
жалб этилган

8
та

ўқув курслари
очилган



900 ишсиз аёл
бандлиги
таъминланди



4 459 ногирон
фуқаро қўллаб-
қувватланди



300 ёшларнинг инновацион ғоялари
молиялаштирилди



2025 йилда **6** та ННТга **100 млн** –
251 млн сўм оралиғида ижтимоий
буюртмалар ажратилди





2024 йилда соҳани бошқаришда маъмурий буйруқбозликдан воз кечиш ва жамоатчилик асосидаги координацияни йўлга қўйиш мақсадида **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** ташкил этилди ва унга **Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди** томонидан **ҳар йили субсидия маблағлари ажратилмоқда**



929,2 млрд сўм



2024 йилда

909,7 млрд сўм



2025 йилда



2024 йил 1 январдан барча туман ва шаҳарларда **“Маҳалла бюджети” тизими** тўлиқ жорий этилди. Мол-мулк ва ер солиғидан тушган маблағларнинг бир қисми (туман бюджетидан ташқари) маҳалланинг ўзида қолмоқда. Бу маблағларни қаерга сарфлашни **ҳоким эмас**, балки **маҳалланинг ўзи мустақил ҳал қилади**

OpenBudget O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Jamoat Fondi

Портал | Бюджет тизими | Бюджет ижроси | Маҳалла бюджети **New** | Ташаббусли бюджет

Ташаббусли бюджет жараёни учун ажратилган маблағлар **3 337 762 000 000 сўм**


Ташаббусли бюджет 2025 2-Мавсум | Қорақалпоғистон Республикаси

"Ташаббусли бюджет" дастури: [2025-07-15 - 2025-08-31]

3337,8 млрд. сўм "Ташаббусли бюджет"га ажратилган маблағлар	22 263 Келиб тушган ташаббуслар сони	18 734 Тасдиқланган ташаббуслар	3 529 Рад этилган ташаббуслар	11 136 754 Барча берилган овозлар сони
---	--	---	---	--

Оғир аҳволдаги ҳудудларни ривожлантириш мақсадида **“1000 та маҳалла”** дастури қабул қилиниб, унга **3,2 трлн сўм** маблағ йўналтирилди

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ННТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ




Бу ўсиш фуқаролик жамияти институтларининг нафақат сони, балки таъсир доираси кенгайиб, уларнинг давлат дастурларидаги **350** та банднинг ижросида бевосита иштирокчига айланганини кўрсатмоқда



Маънавият ва маърифат маркази

«Жаҳолатга қарши маърифат» шиори остида ижтимоий-маънавий тадбирлар



Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази

8 МИНГ нафаргача ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ва малакаларини ошириши орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашган



Ўзбекистон Волонтёрлар ассоциацияси

2021-2025 йилларда **4,3 МИНГ** дан ортиқ фуқароларга онлайн хизмат

ва **3,6 МИНГ** га яқин меҳнат мигрантларига ҳуқуқий кўмак олишда ёрдам берган



«Соғлом авлод учун» Ҳукуматга қаршли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси

республиканинг чекка ҳудудларидаги

қишлоқ аҳолиси учун **1 млрд** сўмлик тиббий-ижтимоий ва хайрия ёрдамлари кўрсатган





36-МОДДА

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек **давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади.**



ҳуқуқий асослар яратилди,
Халқ қабулхоналари жорий
этилди



жамоатчилик эшитуви, бюджет
назорати, ННТларнинг иштироки
кучайтирилди



кенг қамровли ва амалий самарадор жамоатчилик назорати
ўрнатилди

MENING FIKRIM
жамоавий электрон
муурожаатлар
портали

regulation.gov.uz
НХҚ лойиҳаларини
муҳокама қилиш
портали



БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ



ННТлар институционал ривожланишида бошқарув модели ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ташкилот мақсади, фаолият йўналиши ва ижтимоий ташаббуслар самарадорлиги ички бошқарув тизимининг қай даражада тўғри шаклланганига боғлиқ.



ваколатларни
аниқ
тақсимлайди



қарор қабул қилиш
жараёнини тартибга
солади



ижро
интизомини
таъминлайди



молиявий назорат
ва ҳисобдорликни
кучайтиради

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

✓ Халқаро амалиётда ННТларни бошқаришнинг бир нечта асосий моделлари шаклланган:



Аъзоликка асосланган модель (Франция, Германия) — муҳим қарорлар умумий йиғилишда қабул қилинади, бошқарув коллегиал шаклда амал қилади.



Васийлар ёки бошқарув кенгаши модели (Буюк Британия, АҚШ) — мустақил назорат, қонуний фаолият, стратегик ривожланиш ва молиявий интизом учун масъул.



Стратегик коллегиал бошқарув + профессионал ижро модели (Сингапур) — стратегия ва назорат кенгаш зиммасида, кундалик фаолиятни ижро органи амалга оширади.



Гибрид ёки тармоқли-шериклик модели (масалан, Дания) — давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги институционал ҳамкорликка асосланади.

✓ **Натижа:**



ННТ бошқарувининг самарали модели ягона эмас, у мамлакатнинг ҳуқуқий тизими, фуқаролик жамияти анъаналари ва ижтимоий эҳтиёжларига мос шаклланади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ



Ўзбекистондаги асосий бошқарув модели — стратегик коллегиял бошқарув ва кундалик ижро раҳбариятни бирлаштирган аралаш модель.

Амалда устун модель — коллегиял қарор қабул қилиш ва ижройий бошқарув модели ҳисобланади



Коллегиял орган — стратегия, умумий йўналиш ва назоратни таъминлайди



Ижро раҳбарияти — кундалик фаолиятни амалга оширади

✓ **Масалан:**



Коллегиялик модели жамоат бирлашмаларида кучли



Коллегиял назорат ва доимий ижро жамоат фондларида кучли

✓ **Изоҳ:**

Ўзбекистонда ННТлар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади ва уставда ташкилот тузилмаси, раҳбар ва назорат органлари, қарор қабул қилиш тартиби белгиланади.

ННТ ФАОЛИЯТИДАГИ АСОСИЙ МУАММОЛАР

ННТлар фаолиятидаги асосий муаммолар институционал ривожланиш, бошқарув маданияти, ресурс базаси ва давлат билан ҳамкорликнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ.



Молиявий манбалар диверсификацияси етарли эмас



Моддий-техник ва рақамли инфратузилма заиф



Профессional кадрлар ва бошқарув кўникмалари етишмайди



Давлат органлари билан ҳамкорлик кўникмалари паст




Давлат ва ҳудудий дастурларда иштирок кам



Грант ва лойиҳа бошқаруви бўйича амалий салоҳият суст



Жамоатчилик назорати ва вакиллик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайди



✓ **Хулоса:**

Асосий муаммолар ННТларнинг мустақиллиги, барқарорлиги ва ижтимоий таъсирини чекламоқда.

ННТларнинг молиявий барқарорлиги ва ўзини ўзи таъминлаш механизмлари



ННТнинг узоқ муддатли барқарорлиги унинг молиявий мустақиллигига боғлиқ



Асосий манбалар

аъзолик бадаллари, муассис ва аъзолар тушумлари, хайриялар, грантлар, субсидиялар, ижтимоий буюртмалар



Қўшимча манбалар

фаолият йўналишига мос қонуний пуллик хизматлар



аъзолик асосидаги ННТлар учун мунтазам бадаллар муҳим



ҳуқуқий, таълим ва маданий ННТлар курс, тренинг, маслаҳат, тадбир ва экспертлик орқали барқарор манба ярата олади

✓ **Хулоса:**

ННТлар молиявий барқарорликка манбаларни диверсификация қилиш ва мақсадга мос хизматлар орқали эришади.



ННТлар ўзини ўзи таъминлаши учун қуйидаги амалий йўналишларга эътибор қаратиши лозим:



Пуллик хизмат ва тадбиркорликни йўлга қўйиш



Асосий компетенцияни хизмат ёки маҳсулотга айлантириш



Молиявий режалаштириш ва ҳисобдорликни кучайтириш



Аъзолик тушумлари ва пуллик хизматларни уйғунлаштириш



Очиқ ҳисобот ва натижаларни мунтазам эълон қилиш



✓ **Хулоса:**

ННТнинг ўзини ўзи таъминлаши манбаларни диверсификация қилиш, хизматларни ривожлантириш ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга боғлиқ.

ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ ДОНОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ



ВМ 527-сон қарори (04.10.2023) Стратегик бурилиш



Муддат 40 кун → 15 кунга
қисқартирилди




Барча жараён Адлия вазирлигининг
“e-ngo” платформасига ўтказилди



Ортиқча ҳужжатлар бекор
қилинди



Пул + мол-мулк олиш тартиби
содалаштирилди



\$10 млн



Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкентда ўқитувчилар
учун тренинглар ўтказилди



асосий йўналиш иқтисодиёт-география ўқитувчиларини
тайёрлаш, янги услубиятлар, тўғарақлар фаолияти



\$6 млн



Инклюзив ва шаффоф бошқарув (Фарғона, Қашқадарё)



Иқтисодий ривожланишда жамоатчилик назорати
(Қорақалпоғистон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЯНГИ ҚИЁФАСИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ҲИССАСИ



ННТлар нуфузли халқаро сиёсий ва молия ташкилотлари билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириб, қуйидаги **йўналишларда фаол ҳамкорликни ривожлантирмоқда:**



✓ фуқаролик жамиятини ривожлантириш



✓ инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги



✓ коррупциянинг олдини олиш



✓ гендер тенглиги



✓ экология ва иқлим ўзгариши



✓ ногиронлиги бўлганлар ҳуқуқлари

ННТларнинг халқаро ҳамкорликдаги роли

Демократик jarayonlarni tahlil qilish markazi | CADP
1.3 MB

Ўзбекистон делегацияси Бельгияга сафари давомида Европанинг "INTER PARES" дастури вакили София Гурули билан учрашув ўтказди.

"INTER PARES" лойиҳасининг асосий мақсади қанчалар миллионларда қонунчилик, назорат, ҳуқуқот, бюджет ва административ функциялар орқали парламент саводхонасини мустақимлаш ҳисобланади. Бу ташкилот Европа интеграцияси томонидан молиялаштирилади ва International IDEA (International Institute for Democracy and Electoral Assistance) томонидан аналитик ошқарилади.

Учрашувда София Гурули томонидан ушбу дастурнинг мақсадлари, ишлаш механизми тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорликда тўрт йўналиш – бюджетлаштириш, молиявий назорат, гендер тенглиги ва парламент фаолиятида ёшлар иштироки бўйича лойиҳа амалга оширилганлиги, бу борада Франция, Литва, Чехия, Венгрия, Германия, Словакия ва Кипр парламентлари билан фаол иш олиб бораётгани таъкидланди.

Делегация аъзолари томонидан Ўзбекистонда парламентаризм йўналишида амалга оширилётган ислохотлар, сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари фаолияти самардорлигини янада ошириш борасидаги амалий чора-тадбирлар тўғрисида фикрлар билдирилди.

Яқинда шу хунгача йўлга қўйилган мулоқотларни иттиҳ давом эттириш, шунингдек, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари билан фаол, ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган бўлади.

Бу мулоқот оддий ташриф эмас — у стратегик сўзлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ушбу халқаро миссиядаги ҳамкорлик тизимига боғлиқ жараённи бошланмоқда.

Демократик jarayonlarni tahlil qilish markazi | CADP
1.1 MB

Ўзбекистон фуқаролик жамияти Европарламентда: илк мулоқот ва истиқболли ҳамкорлик

Шу кунларда Бельгияда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролик жамияти вакиллари Брюсселда Европарламент депутатлари билан тарихий учрашув ўтказди.

Бу — илк бор Европарламентда Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари билан бундай даражадаги мулоқот ташкил этилди.

Нима муҳокама қилинди?

- Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар;
- Институтларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар;
- Европа билан системали ҳамкорлик йўлга қўйилиши эҳтимоли.

Бу мулоқот оддий ташриф эмас — у стратегик сўзлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ушбу халқаро миссиядаги ҳамкорлик тизимига боғлиқ жараённи бошланмоқда.

Демократик jarayonlarni tahlil qilish markazi | CADP
1.1 MB

Европарламент депутатлари билан тарихий учрашув ўтказилди

Фуқаролик жамияти вакиллари билан иборат Ўзбекистон делегациясининг Брюсселдаги учрашувлари давом этмоқда. Навбатдаги учрашув Европарламент депутатлари билан ташкил қилиниб, унда мамлакатимизга таъриф қилинган депутатлар Ўзбекистонлик фуқаролик жамияти вакиллари билан фикр-мулоқозларини зичлади.

Делегация раҳбари А.Лардеев Ўзбекистонда амалга оширилётган кенг қамровли ислохотлар, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ-манфаатлари Конституциянинг асосида боғлиқ мустақимлаш қўйилгани, соғлиқ доир қонунчилигининг

Progressiv islohotlar markazi
1.0 MB

Женевада "WSIS+20" саммити бoshланди

7-йул кунини Женевада Аxborot jamiyatini rivojlantirish bo'yicha Butunjahon sammiti (WSIS+20) rasman boshlandi. Ochilish marosimida global yetakchilar, fuqarolik jamiyati vakillari va raqamli texnologiyalar bo'yicha ekspertlar ishtirok etdilar.

Sammitda 10-iyul kuni Progressiv islohotlar markazi tomonidan "O'zbekistonda media va AKTni rivojlantirish: Raqamli inkluziya va infratuzilmani kuchaytirish" mavzusida maxsus panel sessiyasi tashkil qilindi.

Batahbil saytimizda o'qing.

Scpr.uz

LinkedIn | Twitter | Instagram | Youtube

Прокомментировать

"Taraqqiyot strategiyasi" markazi
1.320 подписчиков

XITOIDA "BIR MAKON, BIR YO'L" TASHABBUSI DOIRASIDA TAHLIL MARKAZLARI XALQARO FORUMI BO'LDI

Joriy yilning 20-22-noyabr kunlari Xitoyning Iqtisodiy, Ilmii va ta'lim markazlaridan biri hisoblangan Nanjing shahrida Xinhua instituti tomonidan "Bir makon, bir yo'l" tashabbusi doirasida hamkorlik bo'yicha tahlil markazlarining xalqaro forumi o'tkazildi.

Anjumanda ishtirokchilar zamonaviy global murakkablik, raqobat va hamkorlik sharoitida "Bir makon, bir yo'l" tashabbusining strategik ahamiyati, uning mintaqaviy hamkorlik, infratuzilma yangilanishi va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdagi roli yuzasidan fikr almashdilar. Tadbirning asosiy maqsadlaridan biri — turli davlatlarning tahlil markazlari o'rtasida doimiy mulqot platformasini shakllantirish, ilmiy, amaliy hamkorlikni kuchaytirish hamda strategik tashabbuslarni ilmiy asoslar bilan boyitishdan iborat bo'ldi.

"YUKSALISH" HARAKATI
2 672 подписчика

"Yuksalish" harakati raisi, Oliy Majlis Qonunchilik Palatasi qo'mita raisi Bobur Bekmurodov Strasburg shahridagi rasmiy tashrifi doirasida Yevropa Parlamentida bir qator muhim uchrashuvlarni o'tkazdi.

Jumladan, Yevropa Parlamenti deputati, Bolgariyadan saylangan va Sotsialistlar va Demokratlar progressiv alyansi guruhi a'zosi Kristian Vigenin bilan uchrashuv bo'lib o'tdi. Suhbat chog'ida O'zbekiston va Yevropa Ittifoqi o'rtasidagi parlamentlararo mulqotni kuchaytirish, inson huquqlari va qonun ustuvorligi masalalari yuzasidan fikr almashildi.

Shuningdek, Yevropa Parlamentining Tashqi aloqalar bo'yicha direktori, Parlament demokratiyasi sherikliklari boshqarmasi rahbari Umar Dumbuya bilan siyosiy islohotlar, fuqarolik jamiyatini qo'llab-quvvatlash va qonun ijodkorligi sohasidagi tajriba almashinuv bo'yicha istiqbolli yo'nalishlar muhokama qilindi.

Bu uchrashuvlar Yevropa Ittifoqi tashkiliy tuzilmalari bilan ochiq va mazmunli mulqotni rivojlantirish yo'lidagi navbatdagi qadamdir.

Telegram Instagram Facebook

1 комментарий

O'zbekiston nodavlat notijorat tashkilotlari milliy assotsiatsiyasi
3 443 подписчика

NNT vakillari Berlinda bo'lib o'tgan yoshlar forumida ishtirok etdi

Germaniyaning "Sharq-Garb uchrashuvlari" jamg'armasi tashabbusi bilan Berlin shahrida "Kelajak almashinuvda - Yoshlar va mulqot forumi" bo'lib o'tdi. Tadbirda O'zNTMA boshchiligida unga a'zo NNT vakillari ishtirok etdi.

ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ ХАЛҚАРО ИНДИКАТОРЛАРДАГИ ИФОДАСИ



O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
ADMINISTRATSIYASI

ПФ-5635
(17.01.2019)

халқаро рейтинг ва индексларда
позицияни ошириш бўйича
тизимли иш йўлга қўйилди



Коррупцияга қарши кураш
индекси

+32



Иқтисодий эркинлик
индекси

+31




Ҳуқуқ устуворлиги индекси

+16



Логистика самарадорлиги
индекси

+11



● **Гендер тенглик ва бошқарув индекси:**

◆ 103-ўриндан → 52-ўрин (минтақада 1-ўрин)

● **Очиқ гендер маълумотлари индекси**

◆ Жаҳондаги энг яхши 20 таликда



◆ 2017-2018 йиллардан бошлаб “Тартиб ва хавфсизлик” ҳамда “Фуқаролик одил суди” каби йўналишларда сезиларли ўсиш




◆ 2017 йилдан кейин фуқаролик
жамияти фаолиятида эркинлашув
қайд этилган



◆ 2020: “Алоҳида хавотир уйғотадиган
мамлакатлар” рўйхатидан чиқди

◆ 2022: “Алоҳида кузатув рўйхати”дан ҳам
чиқарилди

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ТИЗИМЛИ ЧАҚИРИҚЛАР



“ЮМШОҚ КУЧ” ВА СУНЪИЙ ҚУТБЛАШИШ ХАТАРЛАРИ

Геосий қарама-қаршиликлар шароитида йирик кучлар ННТлар ва жамоатчилик институтларидан “юмшоқ куч” сифатида фойдаланиши жамиятда сунъий қутблашиш ва авлодлар ўртасида зиддият хавфини оширмақда



РАҚАМЛИ МАНИПУЛЯЦИЯ ВА ИШОНЧ ИНҚИРОЗИ

Чегарасиз рақамли маконда фейк ахборот, популизм ва агрессив мунозаралар ўсиши танқидий фикрлашни сусайтириб, ёшлар онгига таъсир кўрсатмоқда. Бу давлат ва фуқаролик институтларига нисбатан “**ишонч инқирози**”ни келтириб чиқариши мумкин



МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАР ВА ХАЛҚАРО ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИЯ НУҚТАЛАРИ

Донор лойиҳаларини миллий стратегиялар билан мувофиқлаштириш ва ННТларнинг узлуксиз фаолияти учун ички молия манбаларини диверсификация қилиш зарур



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАР

Глобал медиа маконида индивидуализм ва истеъмолчилик тарғиби авлодлар ўртасида маънавий узилиш, тарихий хотиранинг сусайиши ва ёт ғояларга қарши маданий иммунитетнинг заифлашишига олиб келиши мумкин




CADP

DEMOKRATIK JARAYONLARNI TAHLIL QILISH MARKAZI
CENTER FOR ANALYSIS OF DEMOCRATIC PROCESSES

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАЎМАТ



www.cadp.uz



[@cadpuz](https://t.me/cadpuz)



[@cadpuzb](https://www.youtube.com/c/cadpuzb)